


ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР

RESEARCH AND INNOVATIONS

1-СОН



ЯНВАРЬ, 2023

ISSN: 2181-4058
DOI Journal 10.56017/2181-4058

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

1-ЖИЛД, 1-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ
ТОМ-1, НОМЕР-1

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS
VOLUME-1, ISSUE-1

ТОШКЕНТ - 2023

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4058-2023-1>

Бош муҳаррир:

Салимов А. – архитектура фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Кадиров К. – филология фанлари номзоди, доцент

Таҳририят аъзолари:

Камалова Д. Э. – филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Муҳибова У. – филология фанлари доктори, профессор
Каримов Б. – филология фанлари доктори, профессор
Рашидов Т. – санъатшунослик фанлари номзоди, доцент
Мухамедова Ф. – санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори
Тешабоев Ж. – санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Эгамбердиев И. – техника фанлари доктори, профессор
Ташманов Е. – техника фанлари доктори, профессор
Салихова О. – техника фанлари номзоди, доценти
Закиров Х. – қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор
Гулмуродов Р. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Жумамуратов А. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Камолов Б. – география фанлари доктори, профессор
Миракмалов М. – география фанлари номзоди, доцент
Тожиева З. – география фанлари номзоди, доцент
Юсупова М. – архитектура фанлари доктори, профессор
Аскарлов Ш. – архитектура фанлари доктори, профессор
Назарова Д. – архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори

“Тадқиқот ва инновациялар” журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054912**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.1 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади**.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

Филология фанлари

СУЛТОНОВА Сайёра

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий муסיқа санъати институти 3-курс талабаси

АХМЕДОВА Ойгул

*Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий муסיқа санъати институти,
профессор в.б, филология фанлари номзоди.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7590750>*

ВОДИЙ БАХШИЧИЛИК МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ ВА ТИКЛАШ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Фарғона водийсида ҳозирча ягона ҳисобланган Наманган дostonчилик марказлари, уланинг ўрганилиш тарихи, бу соҳада фаолият олиб бораётган фольклорсгунос олимлар, мазкур марказлар анъаналарига хос бўлган айрим хусусиятлар ҳақида баҳс юритилган.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, дoston, бахши, шоир, эпик жанр, бахшичилик мактаби, анъана, дoston ижрочилиги, ички овоз, эпик анъана.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются центры Наманганского эпицентра, которые в настоящее время являются единственными в Ферганской долине, история изучения связи, фольклор и ученые, работающие в этой области, некоторые особенности, характерные для традиций этих центров.

Ключевые слова: Ферганская долина, эпос, бахши, поэт, эпический жанр, школа бахши, традиция, эпическое исполнение, внутренний голос, эпическая традиция.

ANNOTATION

This article discusses Namangan epicenter centers, which are currently the only ones in Fergana Valley, the history of the study of the connection, folklorsgunos scientists operating in this area, some features characteristic of the traditions of these centers.

Keywords: Fergana Valley, epic, bakhshi, poet, epic genre, bakhshi school, tradition, epic performance, inner voice, epic tradition.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос маънавий қиёфаси, тарихи ва қадриятлари мавжуддир. Халқларнинг урф-одатлари, миллий ўзига хослиги унинг фольклорида яққол кўзга ташланиб туради. Бу ҳолат, айниқса, халқ дostonларида ҳар томонлама намоён бўлади. Дostonчилик халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган қадимий эпик анъана ҳисобланади. Дostonлар, асосан, дўмбира жўрлигида куйланади ва ижрода жуда _ата маҳорат талаб қилади. Дoston жанрининг яна бир хусусияти, оғиздан оғизга ўтиб, аждодлардан авлодларга турли ўзгаришларга учраб, сайқалланиб, ишлов берилган ҳолда етиб келишидир. Фольклоршунос олим профессор Тўра Мирзаевнинг маълумотларига кўра, юртимизда XV-XX асрларда бир нечта йирик дostonчилик мактаблари пайдо бўлган. XIX-XX асрлар эса дostonчилик тараққиётида жуда катта ривожланган даври бўлган.

XX аср бошларига келиб бахшиларимиз ижодий бисотида 150 дан ортиқ халқ дostonлари мавжуд бўлганлиги маълум. Бу дostonларни Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир Назар ўғли, Жўлмон бахши каби бахшилар билан бир қаторда Тилла кампир, Султон кампир каби машҳур аёл ижрочилар ҳам куйлаганлар. Кейинчалик уларнинг анъаналарини Берди бахши, Умир бахши, Берди ва Бола бахши каби машҳур бахшилар давом эттирганлар. Бахшидан у ёки бу дostonни ижро этишда шунчаки воқеа баёнини сўзлаб бериш эмас, балки дўмбира жўрлигида тингловчиларни ром этадиган даражада ижро этиш талаб қилинган.

Достон куйлиш кўп ҳолларда мусобақа тарзида ҳам кечган. Халқ оғзаки ижодининг қадимий тарихига назар ташлайдиган бўлсак, “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Рустанхон”, “Қиронхон”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Гўрўғлининг болалиги”, “Равшан”, “Авазнинг арази”, “Ёзи билан Зебо”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” каби кўҳна ва қадимий дostonлар бахшичилик санъатининг чинакам намунасидир. Мисол учун “Гўрўғли” ҳақидаги дostonда куйдаги сатрларга кўзимиз тушади; Келинг шу ҳолатни куйга солиб, саторни (уч тор) дириглатиб, от дупури ю, қилич овозини бериб шундай куйлаб турган ери шу эди.

Гўрўғлибек турк қавмига бош бўлди.

Минг уйли турк ўғлига эш бўлди,

Бир элки кўнгли доим хуш бўлди,

Гўрўғлибек дostonини айтайин [2, В.42].

Кўриниб турибдики, ҳар бир дoston бахшилар томонидан куйланар экан унинг нолаларида халқининг узок ўтмиши, бошидан кечирганлари, орзу умидлари, аждодлари кимлардан эканлигини баён этганлар. Жумладан, “Кунтуғмиш”, “Ёзи билан Зебо”, “Авазнинг арази” каби дostonлар халқ бадий тафаккури, дунёқарашини, турмуш даражасини тилининг бойлигини акс этувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Ўрта Осиё халқлари орасида бахшичилик санъати ўзининг ўта бой тарихига эгадир. Мисол учун қозоқ бахшилари, қирғиз манаси, сурхон бахшичилик санъат мактаби ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Биз ушбу бахшичилик санъати тўғрисида фикр юритар эканмиз, Фарғона водийси бахшичилик мактаби хусусида алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Шу ўринда жуда кўп истеъдод эгалари репертуаридаги дostonлар билан водий бахшичилик анъаналарининг майдонга келишига ўз хиссаларини қўшганлар. Жумладан, Сувон санновчи, Алимкул санновчи Ниёз ўғли, Ҳайдар санновчи Бойча ўғли, Раззоқ бахши Қозибой ўғли каби машҳур дoston ижрочиларининг нолаларини келтиришимиз мумкин.

1895-йил Наманган вилояти Чортоқ туманида таваллуд топган Раззоқ бахшидан “Гўрўғли” туркум дostonларининг барчаси, “Алпомиш”, “Ёзи билан Зебо” ва жуда кўп термалар, қирғиз “Манас” эпосининг “Семей ва Семетей” бўлими ёзиб олинган. Раззоқ бахши 1986-йил 91 ёшида вафот этган. Мазкур намуналарни наманганлик ижодкор: шоир, ёзувчи, Ўзбекисрон Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси Оташ Холмирзаев томонидан ёзиб олинган. О.Холмирзаев нафақат наср ва назмда қалам тебратувчи ижодкор, балки юзлаб халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиб, водий дostonчилилик маркази анъаналарини ўрганишга катта хисса қўшган фидойи зиёлиларимиздан биридир.

Бир неча адабиётшуноқ олимларнинг тадқиқотларига асосланган ҳолда фикр юритадиган бўлсак, юқорида таъкидлаганимиздек, Фарғона водийсида ҳам дoston куйлаш анъаналари мавжуд бўлмаганлигини, махсус дostonчилик марказлари шаклланганлигининг таъкидлаш мумкин. Бир қатор олимлар: Тожибой Ғозибоев, Малик Муродов, Робиддин Исҳоқов, Одилжон Носиров, Маҳмуджон Маъмуров, Умаржон Саримсоқов, Оташ Холмирзаев каби бир гуруҳ олимларимиз ҳаракатлари билан жуда кўп гўзал топилмаларни аниқланган. Ўтган XX асрнинг 1960-йилларда Фарғона водийсида катта илмий амалий тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижада манбаларни қидириш билан бирга янги дostonчи ва бахшичиларнинг номлари аниқланди. Айрим олимларининг Фарғона водийсида бахшичилик анъаналари бўлмаган деган фикрларини Малик Муродов пучга чиқарди.

Фидойи фольклоршунос олим М.Муродов бир неча ҳамкасблари ва шогирдлари билан биргаликда Наманган вилояти ҳудудида жойлашган Кўлбулоқ, Ғовазон, Пешқўрғон, Ариқмўйин, Элатан каби қишлоқларда жуда кўп дostonчи ва санновчилар етишиб чиққанлиги аниқлади. Албатта, бу ўринда Фарғона халқ дostonчилигининг асосий маркази бўлган Наманган бахшичилик анъаналари ҳақида М. Муродовнинг “Фарғона халқ дostonчилигига бир назар” номли мақоласи алоҳида таъкидлаш лозим. (“Наманган ҳақиқати” газетаси. 1964-йил).

Мақолада юқорида номлари санаб ўтилган санновчилар қаторида Матрайим бахши, Суvon Қорабой, Суяр Қобил каби бахшилар хусусида ҳам қизиқарли фикрлар билдирилган. Халқ оғзаки ижодининг етук билимдони бўлмиш фольклоршунос олим Оташ Холмирзаевнинг бу борада хизмати юқоридир. Пешқорғонда “Ўзи билан Зебо” дostonи кўп куйланганлиги маълум бўлади. О.Холмирзаев бу дostonнинг бир неча мукамал вариантларини ёзиб олиб, архив фондига топширганлиги манбаларда қайд этилган.

Ўз вақтида бу дostonнинг Наманганда жуда кенг тарқалганинг атоқли шоир Рафик Мўмин томонидан ёзиб олинганлиги тасдиқлайди. Дostonда халқона сатрларнинг кўплиги ҳам фикримизнинг далилидир: Зебожон қошингни қаросига пилик бўлай. Ҳар бир суягинга илик бўлай. Осмонигда порлаб турган юлдуз бўлай. Зарчопонинг ёқасига кундуз бўлай. Наманган давлат университетининг доценти Т.Ғозибоев ва мактаб оқитувчиси О.Холмирзаевлар бир неча ўн йиллар давомида талабалар ҳамда ўқувчиларни дoston намуналарини йиғиш ишларини жалб этишди ва минглаб қимматли намуналарини ёзиб олишга бош-қош бўлдилар. Бу қимматли намуналар ҳозир Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институниг фоклор бўлимида сақланмоқда.

Мухтарам юртбошимиз халқимизнинг асрлар давомида кўз қорачигидек асраб келаётган бахшичилик санъатини ривожлантириш ва асраб авайлаш борасида шахсан ғамхўрлик қилиб намуна, ўрнак болаётганлиги туфайли юртимизда йилдан-йилга, кундан-кунга бахшичилик ривожланиб, тараккий этиб бормоқда. Эндиги муҳим вазифалардан бири, шубҳасиз, Фарғона водийсида фаолият кўрсатган дostonчи – санновчилар ижодини илмий жиҳатдан ўрганиш давр талаби бўлиб тирибди десак, айна ҳақиқатдир.

ИҚТИБОСЛАР

1. Муродов М. “Фарғона халқ дostonчилигига бир назар” // “Наманган ҳақиқати” газетаси. 1964.
2. Сулаймонов М. Ўзбек халқ ўғзаки ижоди. Академик лицейларнинг талабалари учун. – Наманган, 2012.
3. Холмирзаев, О. Қўлбуқон дostonчилик мактаби. – Наманган, 2015.
4. Ғозибоев, Т., Собиров, А. Наманган халқ оғзаки ижоди намуналари. – Наманган, 1993.

ISSN: 2181-4058
DOI Journal 10.56017/2181-4058

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ
ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS
VOLUME-I, ISSUE-I

«Тадқиқот ва инновациялар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz